Жаҳон тиббий полимерлар бозори 2034-йилгача $51,3 миллиардгача ўсиши мумкин

// 01.07.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/zhahon-tibbiy-polimerlar-bozori-2034-yilgacha-51-3-milliardg



Жаҳон тиббий полимерлар бозори 2024-йилда $23,52 миллиардни ташкил этган. 2034-йилга келиб, бозор ҳажми ўртача 8% йиллик ўсиш суръати билан тахминан $51,3 миллиардга етиши кутилмоқда.

Жорий йилда эса бу кўрсаткич $27,5 миллиардгача ўсиши мумкин. Бу ҳақда Precedence Research таҳлилий агентлиги ўзининг июн ойида ўтказган тадқиқотларидан келиб чиқиб маълум қилди.

2024-йилда жаҳон бозорида 44 % улуш билан Шимолий Америка энг йирик сегмент бўлди, бу эса бозордаги энг юқори даромадни таъминлади.

Фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш учун тиббий полимерларга бўлган талабнинг ўсиши, шунингдек, Мексика ҳамда Канадада фармацевтика соҳасининг жадал ривожланиши бозорнинг янада ўсишига туртки бўлиши мумкин.

2024-йилда АҚШ бозори қиймат жиҳатидан $7,2 миллиардга баҳоланди. 2034-йилга келиб, у икки баравардан ортиқ — $16 миллиардгача ўсиши мумкин.

Ўтган йилда Европанинг бозордаги улуши 28%ни ташкил этди. Ундан кейинги ўринларда Осиё-тинч

океан минтақаси (21%), Лотин Америкаси (4%) ва Яқин Шарқ ҳамда Африка мамлакатлари (3%) қайд этилган.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати